



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқиб бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 143 (9.946)

2003 йил 23 июль

ПОЙТАХТНИНГ Сир кунли

Янгиликлар, воқеалар

Кисматларда

□ ШАЙХОҲТОХУР туманидаги «Ипакчи» маҳалласи узарида бўлиб ўтган йилги иш мамлакатимиз Мустақилликга 12 йил тўлиши муносабати билан уюштирилган маънавий-маърифий тадбирга тайёргарлик масаласига бағишланди.

□ БУГУН Мирзо Улугбек маданият ва истироҳат боғи ва «Метрокурилиш» уйингоҳида «Футболимиз келажаги» турнирининг шахар босқичида иштирок этаётган 15-16 ёшли болалар маҳалла жамоалари ўзаро беллашди.

□ ТОШКЕНТ шахар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси ва Тошкент шахар «Меҳр таянчи» маркази томонидан «Алоҳида эътиборда бўлган болалар» муаммолар ва «Ғанилар» мавзусида 25 июлда конференция ўтказилди.

□ БУГУН Бектемир туман ҳокимлигида «Обод маҳалла йили» дастурида белгилаган вазифалар қай даражада бажарилаётганлигига бағишланган Йилги туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида бўлиб ўтди.


□ УЗБЕКИСТОН Давлат жисмоний тарбия институтида ўқигиша кириш учун ҳужжат топширган абитуриентлар иштирокида ижодий иштирок бўлиб ўтди.

□ РЕСПУБЛИКА Мудофаа вазирлиги тизимидаги округлар, қисмлар, гарнизонлар вакиллари ўртасида ташкиллаштирилган «Ўзбекистон — Ватаним манзим» ҳамда «Мардалар қўриқлабиди Ватаним» мавзусидаги қўриқлар қўриқ-танловининг республика босқичи нияҳосига етди. Капитан Камолдин Раҳматов қўриқ-танловнинг голиби бўлди.

Тошкент шахар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ёнинг жазирама кунларида музқаймоқлар барчага ҳузур бағишлайди. Шаҳримиздаги «BAKT BIOL» фирмасида ўттиздан ортиқ турда ана шундай музқаймоқлар тайёрланмоқда.

СУРАТЛАРДА: фирма замонавий хорижий технологиялар билан жиҳозланган; корхонанинг ёш ишчиси Матлуба Мирзалиева танлаган касбидан мамнун.



• 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Ижтимоий муҳофаза эътиборда

Мамлакатимизда маҳалланинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги нуфузи, миллий қадрият ва аънаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги ўрни тобора ортиб бормоқда.

«Обод маҳалла йили» дастурига мувофиқ бу борада муайян ишлар олиб борилаётган. Хусусан, маҳаллалардаги эҳтиёжманд ва ёш оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексалар, етим болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳомиёларнинг фаол иштироки билан қўллаб маблағ мурувват ёрдамига сафарбар этилди. Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи қотибятдан олинган маълумотларга қараганда, 2003 йилнинг ўтган олти ойида 251 минг 908 нафар кам таъминланган онага нафақа тайинланган. Шу даврда икки ёшгача фарзанди бўлган ишламайдиган 455 минг 651 нафар аёл нафақа билан таъминланган.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси қўллаб маҳаллаларда намунали ташкил этилмоқда. Бу маъсулиятли иш, айниқса, Тошкент шахар Чилонзор туманининг «И-Чарх Камолон», Ҳамза туманининг Аҳмаджон Назаров номидаги, Собир Раҳимов туманининг «Чигатой Оқтепа», Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги Алишер Навоий номидаги ва Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрининг «Роғузар» маҳаллаларида яхши йўлга қўйилган.

Шуни айтиш жоизки, маҳаллаларда аҳолининг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари ижтимоий адолат, оқиб-оидинлик ва ошкоралик тамойилларига қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилаётганлиги яхши самара бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги самарали ҳамкорлик қўлами тобора кенгайиб бораёттир. Буни АҚШ давлат департаментининг 2000 йилнинг апрелида мамлакатимизда фаолият бошлаган «Экспорт назорати ва чегара хавфсизлиги» дастури (EXBS) доирасидаги ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳамкорликнинг амалий самараси

АҚШ ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитига УАЗ русумидаги 146 автомашинани топшириш маросими бўлиб ўтди.

Умумий қиймати 800 минг АҚШ долларига тенг мажzur автомашиналар EXBS дастури доирасида тақдим этилди. Улар божхона ходимлари ва чегарачиларга ўз вазифасини бажаришида жуда қўл келади.

ХУМ саҳоси

Барча мавбалардан олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Оқсаройда Россия Федерациясининг «Газпром» очик турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди. Учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболга оид масалалар муҳокама қилинди, икки томонлама фойдали янги лойиҳалар ишлаб чиқиш имкониятлари кўриб чиқилди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озик-овқат ҳамда Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталарининг қўшма йилгишида Оролбўйи муаммоларини ҳал этишга бағишланган масалалар кўриб чиқилди.
- Мамлакатимизда энг кўп галла етиштирадиган Қашқадарё вилояти деҳқонлари давлатга дон сотиш шартнома режасини бажарди. Кабул пунктларига 364 минг 700 тонна сара дон етказиб берилди.
- Навоий вилояти фаолларининг навбатдаги йилгиши «Огоҳлик — маъсулиятдир» деган мавзуга бағишланди.
- «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳамкорликда воғга етмаган тарбияси оғир болалар учун махсус ҳарбий-спорт оромгоҳи ташкил этишди.
- Қарши туманидаги Чўли ота ширкат ҳўжалигида Қашқадарё вилояти кишлоқ ҳўжалик ходимлари кенгаши бўлиб ўтди. Унда вилоят пахтачиликдаги бугунги аҳвол, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг боришига оид масалалар муҳокама этилди.

Жаҳонда

- «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг хабар беришича, Исроил ва Фаластин Бош вазирлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда асосий эътибор Иордан дарёси гарбий қирғоғидаги шахарлардан Исроил қўшинларини олиб чиқишга қаратилди.
- Фаластин мухторияти раҳбарияти ўз худудида барча экстремистик ташкилотлар фаолиятини таъқиқловчи қарор қабул қилди.
- CNN телекомпаниясининг хабарига кўра КХДР худудида янги ядро объектининг мавжудлиги маълум бўлди. Пентагондан билдиришларича, Американинг разведкачи самолётлари Шимолий Кореяда криптон 85 гази буғланшини кузатганлар. Ушбу далил эса ер ости атом заводининг мавжудлигини билдиради.
- Франция жанубида кутқарув хизматининг вертолети кулаб тушди. Авиаҳалокат натижасида бир киши ҳалок бўлди, 4 киши турли даражадаги тан жароҳатини олди.
- Япония жанубида жойлашган Минамата шахрида сел оқимлари натижасида каммида 10 киши ҳаётдан кўз юмди.

• ОММАВИЙ СПОРТ

Соғлом оила — жамият таянчи

Айни пайтда мамлакатимизда оилаларни оммавий спортга жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳар бир болақай дастлабки ҳаёт сабоқларини айнан оилалдан олади. Соғлом турмуш тарзига амал қилган оилаларнинг фарзандлари соғлом, комил инсон бўлиб воғга етади. Шу мақсадда 2003 йил - Обод маҳалла йилида Президент Ислам Каримов ташаббуси билан «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақалари ташкил этилди.

«Соғлом оила» мусобақаси голиби бўлди.

Жиззах вилояти, Зарбдор тумани «Тинчлик» маҳалласида яшовчи Исматулла Бўриев оила-сига иккинчи ўрин насиб қилган бўлса, Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йилгидан Азамат Юсуфжон оиласи учинчи поғонага кўтарилди.

— Юрбошимиз Ислам

Каримов ташаббуси билан оилалар ўртасида ташкил этилган «Соғлом оила» мусобақасида қатнашганимдан фахрланаман, — деди иккинчи ўрин соҳиб жижза И. Бўриев ўзА мухбирига.

— Мамлакатимизда оммавий спортга берилётган эътибор туйғайди чекка қишлоқлардаги юртдошларимиз ҳам спортга ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғуланмоқда. Асосийси,

бунга етарлича имконият яратилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармон чиққандан сўнг бизнинг маҳаллада янги спорт майдончалари, сув ҳавзаси барпо этилди. Айни пайтда маҳалладошларим футбол, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, кураш ва сузишга қатнашмоқда.

(ЎЗА).

Иқтисодиёт

Буюртмага
6 хил маҳсулот

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Тошкентмебель» акционерлик жамиятининг малакали мебелсоз усталари шу кунларда 600 миллион сўмликка яқин бўлган буюртмани бажаришга астойдил бел боғлаганлар.

Мазкур буюртма — колледж ўқувчилари учун мўлжалланган 6 хил турдаги мебеллар туркумини тайёрлаш ҳуқуқини 260 нафар жамоа аҳли май ойида ўтказилган тендерда қўлга киритганди. Бундан ташқари корхонада бир йил муқаддам юқори сифатли, асосийси ўзимизнинг хом ашёдан оригинал дизайндаги мебель тайёрлана бошланди ҳамда улар ўз харидорларини топмоқда. «Оқшом» деб номланган ётоқхона мебеллар туркуми ҳар қандай харидорнинг эътиборини ўзига тортади. Чунки мазкур мебель ўзига хос безакланган.

Эътиборли томони, юртимиздаги тадбиркорлар томонидан 95-97 фоиз мебель маҳсулотлари четдан келтириляётган хом ашё ҳисобидан ишлаб чиқариляётган бир вақтда мазкур корхона тадбиркорлари хом ашё учун чинор, ёнғоқ, қайрағоч каби дарактлардан фойдаланмоқда. Уларнинг сифати, кўркам ҳам чидамлик даражаси хорижникидан асло қолишмайди. Жамоанинг мебелсоз усталари томонидан меҳмонхона учун стенка, стол ва стуллар каби кўйлаб турдаги буюртмалар тайёрланиб, фирмали дўконда сотувга қўйилган.

Жумладан, яқин кунларда корхона жамоаси Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига аталган янги меҳмонхона термасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш арафасида.

Тадбиркорлик
асосида

Шаҳримизда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар талайгина. Улар орасида Сергели туманида фаолият юритаётган «Мет-фур-сервис» масъуляти чекланган жамияти ўзига соҳа ўрин эгаллайди.

Хозирги кунда 30 нафардан иборат корхона жамоаси сифатли, бежирим, асосийси рақобатбардош 120 дан ортиқ турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариб, ички бозоримизни тўлдирishта муносиб ҳисса қўшмоқда. Жорий йилнинг 6 ойида мазкур корхонанинг 32 миллион сўмлик маҳсулоти сотилиб, 9 миллион сўмлик соф фойда олинганлиги ҳам жамоа аҳлининг саяй-ҳаракатлари самарасидан далолатдир.

Корхонада 8 хилдаги карнизлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, Марказий Осиёда бундай маҳсулотлар тайёрланганидан бошқа корхона мавжуд эмас. Бундан ташқари жамоанинг тажрибали ишчилари ўзимизнинг дастгоҳ ва ускуналардан унумли фойдаланган ҳолда энгил санатимиз учун сифатли фурнитура буюмлари тайёрлаб беришни ҳам ўз зиммаларига олишган. Шу билан бирга, ҳарбийлар учун ҳам худди шундай маҳсулотлар буюртма асосида тайёрланмоқда.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Чунончи, Иқтисодий мажмуа йиғилишида ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо, банк соҳасининг январь-июнь ойлари кўрсаткичлари, айрим етакчи ишлаб чиқариш корхоналари молиявий ҳужжалик фаолиятининг таҳлили муҳокама этилди. Хусусан, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳисобот даврида ўсиш суръати санаоатда — 6,9 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда 2,9 фоизга ошди. Давлат бюджети даромадлари 0,5 фоиз, маҳаллий бюджет — 0,1 фоизга юқори бўлди. Жалб этилган инвестициялар ҳажми 50,1 миллиард сўмга тенг бўлиб, шундан 30 фоиздан зиёдидини — хорижий сармоялар ташкил этди. Экспорт қилинган товар ва хизматлар ҳажми 522,8 миллион долларни ташкил қилди, бу эса ўтган йил кўрсаткичларидан 37,1 фоизга кўпдир. Ҳисобот даврида 2294 та ташкил қилинган кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобига 5282 янги иш ўринлари очилди. Тадбиркорлик субъектларига банклар томонидан 29,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига кўра, 23 фоизга ортиқдир.

Шу билан бирга жорий йилнинг январь-июнь ойларида баъзи корхоналарда сезиларли пасайиш ҳолати ҳам кузатилди. Жумладан, янги ички маҳсулот ҳажми 99,2 фоизни ташкил қилган бўлса, бунда кичик ва ўрта бизнес субъектлари улуши ҳам бир оз қискарди. Хар бир учинчи корхонада ишлаб чиқариш ҳажми пасайиши оқибатида 29,1 миллиард сўмлик санаот маҳсулотлари, 25 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари кам ишлаб чиқарилди.

Ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажми камайиши ва мавжуд кўйлаб моддий бойликлар ҳаракатсиз бўлгани боис асосий солиқ турлари бўйича тахминан 4 миллиард сўм миқдоридан бюджетга даромад тушмади.

«Маҳаллий санаот» акциядорлик компанияси таркибидagi корхоналар бу умумий кўрсаткичлардан истисно эмас албатта. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари мажмуасининг биринчи ярим йиллик сарҳисоби доирасида мазкур компания таркибидagi корхоналар иқтисодий кўрсаткичларига тўхталиб ўтилди, жумладан, «Маҳаллий санаот» АК тузилмасига кирувчи 17 та корхонада 6 ой ичида 363,9 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу эса ўтган йилга нисбатан 0,3 фоизга юқори дидир. Ишлаб чиқариш ҳажмида маҳсулотларнинг 38,4 фоизи қўшма корхоналар фаолиятига тўғри келади. Айти пайтда замонавий технологиялар жорий этилиши натижасида компания тасарруфидagi аксарият корхоналар бир неча турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, шундан чарм маҳсулотлари ва мебель хижозлари алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, тикувчилик, тўқимачилик, пластмасса, полимер, қоғоз, чироқ техникаси маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши

ҳажми ҳам анча юқори бўлиб бормоқда.

Шу билан бирга мажмуа йиғилишида шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси фаолияти муҳокамаси жараёнида бундай сифат кўрсаткичлари ҳар доим ҳам андозаларга тўғри келмаслиги таъкидлаб ўтилди. Масалан, 65 та корхонада ўтказилган режали текширувлар давомида 46 тасида давлат стандартлари бузилиши юзасидан камчиликлар аниқланди. 22 та корхонага 51 турдаги маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишини тўхтатиш тўғрисида фармойиш берилди. 57 нафар мансабдор шахсга 483 миң сўмдан зиёд мазмурий жарима солинди. Сертификатланмаган маҳсулотлар савдоси билан шуғуллангани учун 11 та савдо корхонаси 8,6 миллион сўмлик жаримага тортилди. Камчиликлар шунингдек, «Тошкент лок-буёқ за-

лар юқори баҳоланаётгани олдинга силжишга ҳалал бераётганидан божабар бўлишдан нарига ўтмаётгани ҳам ачинарли ҳолдир.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига асосан 2003-2004 йилларда Тошкент шаҳри бўйича 215 та корхонанинг мол-мулки ва акциялари сотилиши белгиланган. Аммо, юқорида айтиб ўтилган қоқайдлик ва бепарволик оқибатида шу кунга қадар 60 та корхона акцияларининг фақат бир қисмига арзон гаровга сотилди холос.

Жорий йил қурилиш манзилли дастурида 31 та объект режалаштирилган. Кейинчалик бу рўйхатга яна 4 та объект киритилди. Шу жумладан, иқкитаси ўтган йилдан қолгани, шунингдек Афросиёб кўчасидаги янги уй-жой бинолари ҳамда Юнусобод туманидаги хусу-

синфни 39219 ўқувчи туғатган. Янги ўқув йилида 12 миңдан зиёд тўлиқ маълумотга эга бўлмаган ўқувчилар 10-синфни мактаб доирасида туғатиши лозим. Аммо жорий ўқув йилида 69 та мактабда 10-11-синфлар беркирилиб, моддий-техника негизи мустаҳкам, педагог кадрлар малакаси юқори деб топилган 179 та мактабда юқори синфлар сақлаб қолинади. Шаҳар Халқ таълим бoш бошқармаси бошлиғининг таъкидлашича, бу кунга қадар 12 миңдан зиёд ўқувчини қамраб олиш учун етарлидир. Бирок, айтиб ўтиш жоизки, дастлабки таҳлилларга кўра, колледж ва лицейларга кириши мўлжалланган 26 миң ўсмир-ёшларнинг бугунги кунга қадар фақат 16 миңи ҳужжат топширилган. Вазиятни барқарорлаштириш мақсадида айти пайтда 9-синф битирувчиларига илк бор лoтин графикасига асосланган шаходатноманинг янги намунасини топшириш зарур. Шаҳар Халқ таълими бoш бошқармаси маълумотомасига асосан хозирда бу муаммо тўлиқ ҳал этилган ва кун тартибидан чиқарилган. Бундe ташқари, ижтимоий мажмуа йиғилишида болаларнинг ёзги таътил пайтида дам олиш жараёни, янги ўқув йилига тайёргарлик, мактаблардаги ошхона ва спорт иншоотларини таъмирлаш ва хижозлаш масалалари қўриб чиқилди.

Ўтган вақт мобайнида «Обод маҳалла» дастурининг бажарилиши, ечимини кутадиган муаммолар Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш бўйича мажмуа йиғилиши диққат-марказида бўлди. Жумладан, ҳисобот даврида маҳаллалар томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш доирасида шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ошириш, жойларда ташаббускорликни кучайтириш юзасидан тажриба алмашиш усуллари жорий этиляётгани, хусусан, тўй-ҳашамлар, бошқа оилавий тадбирларни ихчамлаштириш, тартибга келтириш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик борасида олиб бoриляётган амалий ҳаракатлар муҳокама қилиниди ҳамда ўринли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Яққасарой тумани мисолида маҳаллалар моддий-техник негизини ошириш борасида корхона ва ташкилотлар билан биргаликда шартномавий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш тавсия этилди. Чунончи, тумандаги 17 та маҳаллада шу кунгача маҳаллаларни кўйлаб-куватлаш юзасидан 50 миллион сўмлик шартномалар имзоланганлиги қувонарли ҳол албатта.

Йиғилишда бундан ташқари оқсоқоллар ҳамда маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, янги жорий этиляётган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қўланилиши бўйича ўқув-семинарлар доирасини кенгайтириш ва кучайтириш муҳимлигига ургу бериб ўтилди.

Ҳар бир шаҳар мажмуалари доирасида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. **Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

• ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Яқун ва
режалар

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИ
ЯҚУНЛАРИ ЮЗАСИДА МАЖМУАЛАР БЎЙИЧА
НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ.

води» АЖ синов лабораторияси, «Узқўлмеваасабзавот-узумсанаот» холдинг компанияси сертификат идораси, «Санаотконтехназорат» сертификат маркази назорат текширувидан ўтказилганда ҳам аниқланди. Бундан ташқари, ҳисобот даврида 28 та корхонада метрология меъёри ва қоидалари бузилишига йўл қўйилгани тасдиқланди. 3899 та ўлчов асбоблари текширилиши жараёнида 15 фоизи метрология талабларига жавоб бермаслиги боис амалий фойдаланишдан чиқарилди.

Мажмуа йиғилишида шунингдек, «Матбуот тарқатиш уюшмаси», «Тошкент телефон тармоғи», «Тошкент почтамати» АЖлари, «Тошкент телеграф-телефон станцияси»нинг олти ой давомида олиб борган фаолияти юзасидан ахборотлар тингланди.

Капитал қурилишдаги ислохотлар жараёни, жумладан, пудратчи ташкилотлар ва буюртмачи хизматларининг манзилли дастурнинг бажарилиши борасида йўл қўйган камчиликлари шаҳар Қурилиш мажмуаси йиғилишида танқидий баҳоланди. Хусусан, соҳа корхона ва ташкилотларининг ривожланишига тўсик бўлаётган асосий сабаблардан бири, уларнинг акциялари қониқарсиз тақсимланаётганидир деб таъкидлаб ўтилди. Кўпчилик қурилиш тузилмалари камқувватли, рентабелсиз бўлиб қолаётгани уларнинг аниқ истикболи йўқлигидан далолидир. Айрим раҳбарларнинг ўз корхоналари акцияларини сотиш борасида хануз фаоллик, ташаббус кўрсатмаётгани ёки аксарият ҳолларда қимматли қоғоз-

сий мавзе муҳандислик тармоқлари қурилиши ҳам шунга қиради. 2003 йилда «Мойқўрғон» мавзесида янги коллеж, 15-шаҳар клиникаси негизда кардиология маркази қайта таъмирдан сўнг топширилиши ҳамда Кичик халқа йўлининг Уйғур-Улуғбек кўчаларидаги босқичи туғатилиши мўлжалланган. Биринчи ярим йилликда марказий манбалар ҳисобидан 8,3 миллиард сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, шу жумладан 2,5 миллиард — коллежлар, 1,2 миллиард сўм эса лицейлар қурилиши бўйича ўзлаштирилди. «Қоратош» мавзесида 1201 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди, 4,6 километр газ қувурлари ётказилди. Шу билан бирга 10026 квадрат метрга тенг иккита турар жой биноси вақтинча молиялаштирилмагани туфайли қуриб битказилмади. Йиғилишда шунингдек, метронинг Юнусобод йўналишида қурилиш ишларини туғатиш юзасидан молиявий аҳвол ҳар томонлама таҳлил қилинди ҳамда кўпчилик соҳа корхоналарининг уй-жой бозоридан ўз товарларини жойлаштира олмаётганининг сабаблари муҳокама этилди.

Ижтимоий мажмуанинг ҳисобот йиғилишида асосий эътибор халқ таълими соҳаси, хусусан 9-синф битирувчилари тақдири билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Гап шундаки, янги ўқув йилида 28 миң битирувчи ёшлар ўрта махсус ўқув юрталарига жалб қилинади, шулардан 26 миңи — Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи ўсмирлардир. Жорий йилда 10-синфни 12733 нафар, 9-

Санъат

«ШАРҚ АЁЛИ» КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

Мамлакатимизда хотин-қизлар йили нишонланиши муносабати билан «Шарқ аёли» халқаро хайрия жамғармаси тузилган эди. Бу нуфузли ташкилот ўзбек миллий санъатини тарғиб этиш билан ҳам шуғулланиб келмоқда.

Айни кунларда навбатдаги концерт дастурини тайёрлашга киришилди. «Шарқ аёли тароналари» деб номланган бу томоша таниқли раққоса ва санъаткор Тамара Юнусова бадий раҳбарлигида саҳнага олиб чиқилаётди.

Ундан асосан фольклор мусиқа асарлари ўрин олади. Шунингдек, халқ лапарларидан иборат номерларга ҳам эътибор берилди.

Янги дастурни ўзбек халқ миллий маданияти меросини тараннум этувчи ижод намунаси сифатида чет элда ҳам намойиш қилиш режалаштирилмоқда.

«МУСИҚА» ДАРСЛИКЛАРИ

Ўқувчи-ёшларнинг бадий-эстетик тарбиясини яхши йўлга қўйишда мусиқа таълими ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Шу фан бўйича ўқувчиларни ўқув адабиётлари билан қуролантириш йўлида самарали излашлар олиб борилиб, қатор синфлар бўйича дарсликлар яратилди. Мактабларнинг 6-синфлари учун ёзилган мусиқа таълимидан «Методик тавсиянома» қўлланмасидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Янги ўқув йили олдидан чоп этилган «Мусиқа» дарслиги тўрттинчи синф ўқувчиларига яхши совға бўлди. Ушбу ўқув адабиёти ҳам ўқув дастури бўйича жаҳон андозалари талаблари асосида ёзилиб, дарсликларнинг янги авлоди намунаси янглиг тақдим этилди.

«МИНГ БИР КЕЧА» ЛАВҲАЛАРИ

Ўзбек халқ эртаклари кўпгина мўйқалам усталари учун ихлом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Шарқда кенг оммалашган «Минг бир кеча» афсонаси воқеаларига оид тасвирий чизгилар ҳам юзага келди.

Таниқли график rassom Пётр Анненков эса бу ижодий жараёнга бошқача ёндошиб, ўзига хос қизиқарли тасвирий лавҳалар яратишга эришди. Уларни ягона бир уйғунликда акс эттириш мақсадида rassom ранго-ранг бўёқлардан усталик билан фойдаланди.

Бир бутун бадий композицияни ташкил этган «Минг бир кеча» картиналари асосида кўргазма ташкил этилади. Уларни энг яхши ижод намунаси янглиг республикамиз бўйлаб намойиш қилиш ҳам кўзда тутилди.

Акбар АЛИЕВ

Шу боисдан ҳам пойтахтимизда Мустақиллик шарофати билан ўтган йилда бунёд этилиб, санъат аҳлига туҳфа этилган янги консерватория — бетакор санъат қасри юртимиз доврўгини жаҳонга таратишда, маънавий тараққиётни таъминлашда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Тошкентимизга ўзгача файз-тароват, гўзаллик бағишлашда Истиқлол йилларида бунёд этилган улкан иншоотларнинг ўрнини қайд этган ҳолда янги Ўзбекистон Давлат консерваториясининг салобатли қошонасини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Кечаги эски консерватория биноси билан бугунги иншоотнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу нафақат санъат аҳли, балки мустақил диёримизда яшовчи ҳар бир инсон учун чексиз фахр-ифтихор бахш этди.

Албатта ҳукуматимиз, Президентимиз томонидан мана шундай улуғвор санъат даргоҳининг қад ростлашига берилган эътибор, бу санъатнинг башариат ҳаётидаги ўрни, мусиқанинг инсон руҳиятига таъсири нақадар юксаклигидан далолатдир. Шу боисдан ҳам муазам санъат қасрининг очилиш маросимида сўзлаган нутқларида Президентимиз Ислам Каримов: «Мусиқа деб аталмиш илоҳий бу мўъжизада шундай бир сехр мужассамки, уни тушуниш, таъсири сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ. Шу сабабдан ҳам Бах ва Моцарт, Бетховен ва Шопен, Чайковский ва Шостакович каби буюк даҳолар яратган дурдона асарлар билан дунёдаги барча миллат ва халқлар фахрланади, уларни ҳақли равишда бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги, деб билади» деган сўзлари алоҳида таъкидландилар.

Шу билан бирга Президентимиз янги бино қурилишида фаол иштирок этиб, унинг шундай кўрган кўзлари қувнатувчи салобатига ўз ғайрат-шижоати билан муносиб ҳисса қўшган муҳандис ва қурувчиларга, усталарга самимий миннатдорчилик билдирдилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бунёдкорларимиз мана шундай гўзал иморатнинг маҳоратли лойиҳачиларининг изланишлари асосида кўнгилдагидек қуриб битказилди. Айниқса, консерватория фойесига ишланган ранг-баранг паннолар устоз ва талабаларга ихлом бахш этмоқда.

Шаҳримизнинг Абай кўчасидаги 1,5 гектарлик майдонни эгаллаган бино қурилиши ва ён-атрофини ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш ишларини амалга оширишда энг маҳоратли хунар эгалари — тикловчи, пайвандчи, дурадгор, сувоқчи, ҳайдовчи, бўёқчи, электрчи, сантехник, кран машинисти ва бошқа мутахассислар меҳнат қилишди. Бинонинг жаҳон андозалари даражасида ташқи кўриниши бежирим, ички қиёфаси кенг ва баҳаво, педагог ва талабалар учун барча шароитлар муҳайё этилганлиги таҳсинга сазовордир.

Шу ўринда ёзининг саратони, қишнинг ҳақратонини ҳам писанд этмай ўз вазифаларини сидқидилдан адо этган «Туронмарказқурилиш» ҳиссадорлик жамияти,

ушбу бинода юртимизни жаҳонга янада танитадиган, Мустақиллигимизни мадҳ этадиган буюк санъаткорлар етишиб чиқсин, шунинг баҳорарида хорижий меҳмонлар ҳам унинг салобатидан, гўзаллигидан завқ олсин, ҳайратлансин», деган эди.

Бино фойдаланишга топширилгандан буён ушбу санъат марказига кунига хорижий давлатлар — АҚШ, Япония, Германия, Араб мамлакатлари ва бошқа ўнлаб юрт меҳмонлари ташриф буюришди. Энг фахрланарлиси эса, пойтахтимиз чиройини яна бир бор намо-

лиши оламшумул аҳамиятга эга. Бунинг учун муҳташам ва барча қўлайликларга эга бинони қуришда бош-қош бўлган давлатимиз раҳбаридан жамоамиз аҳли чексиз миннатдор. Ушбу миннатдорчилик зиммамизга юксак вазифаларни юклаганини дилдан ҳис этиб турибмиз. Хизмат юзасидан жуда кўп давлатларда бўлганман. Москва, Киев, Санкт-Петербург шаҳарларидаги консерваторияларни кўрганман. Лекин гурурланиб айта оламани, бизга тақдим этилган иншоотнинг, яратилган шароитнинг баҳоси йўқ. Бу бебаҳолик эса, албатта Истиқлол шарофатидандир. Шундан гурурланиб дилдан фахрланамизки, халқро нуфузли танловларда иштирок этиб, голибликни қўлга киритаётган талаба ва ўқувчиларимиз эркин ва обод юртимиз вакиллари эканини бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Консерваториямизнинг катта ижодий салоҳияти бор. Ана шу салоҳиятни янада дадил намён этишда янги иншоотда яратилган энг қулай шароит, замонавий жиҳозлар катта аҳамиятлидир. Бугун мана шу кўркем бинода 700 дан зиёд талабага, яъни бўлғуси санъат аҳлига 250 нафардан зиёд профессор ва ўқитувчилар сабоқ беришмоқда. Бирон кун йўқки, концерт дастурлари намойишсиз ўтадиган. Консерваторияда ташкил этилган иқтидорли болалар лицейида эса 45 нафар ўғил-қиз таълим олиб, санъат сирларини кунт билан ўрганмоқда.

Айниқса, санъат соҳасидаги халқро алоқаларимиз кенгайиб бораётганини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир. Яқинда консерваториямизда ўтказилган 10 кунлик «Ҳиндистон мусиқа чогулари» кўргазмаси ташкилотчи ва иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Талабаларимиз ва ҳиндистонлик мусиқачиларнинг биргаиклиги ижролари олқишларга сазовор бўлди. Ҳамкорларимиз эса кўргазма сўнггида санъат қошонамизга 10 та ҳинд чоғлу асбобларини тақдим этишди.

Ҳа, ушбу бебаҳо маскан, улуғвор сарой ва қошонага жамланган санъат аҳли ҳақида ҳар қанча яхши гапларни ёзиш мумкин. Энг муҳими эса эзгу ниятлар билан бунёд этилган кўтлуг маскан — Мустақилликнинг ўнлаб иншоотларидан бири — Ўзбекистон Давлат Консерваторияси санъатимизни тоабд юксалтириш йўлида хизмат қилади. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Бу маърифат ва нафосат масканидан ҳаммиша эзгулик ёғдуси, ҳаётга муҳаббат, бахт ва қувонч садолари таралиб турсин!» Ушбу садоларни эса ҳақиқий истеъдод эгалари яратиши ва таратиши аниқ.

Шарифа ИЛЁСОВА



БЕТАКРОР НАФОСАТ МАСКАНИ

Халқимиз нафақат санъатсевар, балки санъаткор ҳамдир. Аминимизки, юртимизда оҳанрабо куй, дилрабо кўшиқ янграмаган бирорта хонадон топилмайди. Нафақат мамлакатимизда, балки олис-олис хорижий давлатларда улуғ санъаткорларимиз маҳорати билан сайқал топган куй-кўшиқларимиз ҳам хорижликларни лол қолдиргани, уларга бир олам завқ бағишлаётгани, шубҳасиз.



«Тошмуҳандисқурилиш» ҳамда «159-трест» акциядорлик жамияти ва бошқа ёрдамчи пудратчи қурилиш ташкилотлари бунёдкорлари меҳнатларини айтмоқ, санъат аҳли томонидан уларга мамнуният изҳор этмоқ жоиздир. Чунки уларнинг меҳнат махсули — 350 та аудитория, 4 та катта ва кичик концерт заллари, кутубхона, спорт зали, ошхона — барча-барчаси бугун ва келгусида доврўги оламни тутган санъаткорлар етишиб чиқишидаги муносиб шарт-шароитлардир. Айниқса, ўқув ва машғулот хоналарининг алоҳида-алоҳида қурилиб, уларнинг деворлари товуш ўтказмайдиган қурилиш ашёлари билан жиҳозланганлиги машғулотлар самарадорлигини таъминлайди, бир-бирига ҳалақит бермай, бир вақтнинг ўзида шуғулланиш имконини яратди.

Бунёдкорлик ишлари авж олган пайтда биз суҳбатлашган қурувчилардан бири: «Мақсадимиз биз қурган

ён этган ушбу қошонанинг гўзаллиги, бу ерда яратилган шароитлар уларни лол этди. Бу, албатта юртимизда санъатга берилган энг юқори эътибор эканлиги эътироф этилди. Россия Федерациясининг таниқли санъат арбоблари Владимир Спиваков, Юрий Башмет ва бошқалар ўз ҳайратларини мамнуният билан изҳор этидилар.

— Ўзбекистон Давлат консерваториясини ҳақиқий санъат қошонаси, истеъдодлар маскани, мусиқа ижодий ва ижрочилиги ривожланган, миллий маданиятимиз тарғиботи намунали йўлга қўйилган, миллатимиз фахри бўлмиш таниқли композитор, бастакор, санъаткорлар етишиб чиққан ва етишиб чиқажак марказ десак, асло муболага бўлмайди, — дейди консерватория ректори вазифасини бажарувчи, профессор Каримжон Азимов. — Аввало, консерваториянинг устоз-ўқитувчи ва талабаларига шундай қошонанинг қуриб тақдим эти-

Келажагимиз ворислари — ёшларимизнинг жисмонан бакуват, маънан етук ва баркамол шахс сифатида вояга етишлари шу куннинг долзарб талаби эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Дарҳақиқат, билимли, зукко, эпчил, топқир болажонлар вояга етар экан, келажагимиз ишончли кўларда бўлмоғи муқаррардир. Шу ўринда Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» дея айтган сўзлари ёдга тушади. Ушбу ўғитга амал қилинган ҳолда Юртбошимиз раҳбарликлариде ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар эса киши қалбини фаҳрага тўлдирди. Биргина мисол, ўтган йилнинг куз ойида Юртбошимиз Фармонига асосан мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Ушбу

лантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар ҳамда барча туманлардаги бўлимлари бошчилигида янги спорт иншоотларини (албатта, мутасадди ташкилотлар кўмағида) бунёд этиш, ушбу спорт масканларини янги жиҳоз ва ус-

йўқ. Муҳими, фарзандларимиз қалбиде жисмоний тарбия ва спортга меҳрни янада кучайтириш мақсадидаги ушбу сайёҳаракатлар маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари томонидан ҳам кизгин кўллаб-қувватланмоқда.

мазкур маҳалла фуқароси Сабоҳат опа Нигмонова, — «Шодлик» жамоасини футбол тўплари ҳамда спорт кийимлари билан «Шодлик» маҳалла фуқаролар йилғини таъминлади. Шаҳсан менинг неварам Сирожиддин ҳам шу жа-

тининг бу борадаги ишлари ҳақида. Авваллари мазкур мактабда торғина киши спорт зали, кўл тўпи майдончаси болажонларга хизмат қиларди. Эндиликда истиқлол шарофати тўғрисида мазкур ўқув масканиде кенг, ёруғ, замонавий спорт зали қад кўтарди. Қувонарли жиҳати, ушбу залда спортнинг футбол, кўл тўпи, стол тенниси, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, оғир атлетика, бокс, шахмат, шашка турлари бўлиб, бемалол шуғулланиш мумкин. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман бўлимлари ташаббуси билан янгида мазкур мактабга ҳам спорт жиҳозлари, футбол тўплари тўхфа этилди.

— Ўқувчиларимизнинг ёзда спортнинг кўпгина турлари билан мунтазам шуғулланишларига имкон яратиш мақсадида, — дейди мактаб директори Муътар Ваки-

лова, — баскетбол, кўл тўпи ҳамда футбол майдончалари бунёд этилди. Тўғри, футбол майдончамиз ҳозирча чим билан қопланмаган. Насиб этса, ҳомиёлар кўмағида бу муаммони ҳам ҳал этамиз. Дарвоқе, Болалар спортини янада ривожлантириш ишига туманимиздаги «Кулолқўрғон», «Шодлик» маҳаллалари фаоллари ҳам яқиндан ёрдам бераётганликлари таҳсинга лойиқ. Чунки маҳаллалар жамоаларини спорт анжомлари ҳамда либослари билан айнан «Шодлик» ҳамда «Кулолқўрғон» маҳалла фуқаролар йилғини таъминлади-де.

Мактаб директори таъкидлаганидек, бу борада маҳаллалар томонидан кўрсатилаётган кўмак яқшидир. Шаҳримиздаги бошқа маҳаллаларда ҳам шу каби мактаблар билан ҳамкорлик ўрнатилса, мақсадга мувофиқ иш бўларди. **Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ Болажонларга ажойиб тўхфа

қуналар билан жиҳозлашга катта аҳамият қаратилаётганлигини эътироф этмаслик инсофдан эмас. Аммо ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина. Зеро, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият бошлаганига аслида ҳали кўп вақт бўлгани

Келинг, яхшиси, мисолларга муарожаат қилайлик. Ўтган йили маҳалла болалари жамоалари ўртасида ўтказилган «Футболимиз келажаги» турнирида Юнусобод туманидаги «Шодлик» жамоаси турман миқтосида иккинчи ўринни кўлга киритганди. «Шуни эътироф этиш жоизки, — дейди бу ҳақда

моада тўп сурганлиги боис, янги либосда яшил майдонга тушганлигидан қалбимиз қувончга тўлганини айтмоқчиман». Интиланганга толе ёр деганларидек, қаерда изланиш бўлса ўша ерда ислохот самара беради. Энди икки ойга Юнусобод туманидаги 271-мактаб раҳбария-



Чемпионлар етишиб чиқмоқда

Кейинги пайтларда шарқ яккакурашининг таэквандо ва каратэ турлари бўйича юртимиздан кўплаб жаҳон, Осиё чемпиони, йирик халқаро турнирлар ғолиблари етишиб чиқётганлигининг замирида албатта болалар ўртасида ушбу спорт турларини ривожлантиришга қаратилаётган муҳим эътибор ётади.

Бутун республикамиздаги каби шаҳримизда ҳам ҳозирда ўнлаб таэквандо клублари самарали фаолият кўрсатмоқда. Авваламбор оммавийликни, соғлом турмуш тарзини таъбиқ этишга йўналтирилган ушбу клубларда болаларга ўн икки ёшгача таэквандо сирлари ўргатилиб, умумий жиҳатдан чиниктириб борилади. Кейин эса улар профессионал спортчи сифатида ўз фаолиятларини бошлайдилар.

Тазквандонинг ИТФ йўналиши бўйича «Алекс» клубининг шаҳримизда фаолият бошлаганига ҳам беш йилдан ошди. Осиё чемпиони, Санкт-Петербургда олимпия медаллари сари.



Оммавийликдан олимпия медаллари сари.

Эртанги кун учун масъулмиз

Эртанинг давомчилари бўлиши ўғил-қизларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш йўлида маҳаллаларда диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллалардаги ибратли юмушларга бош-қош бўлаётган «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳам бу борада ўзларининг салмоқли улушларини кўшмоқдалар. Айниқса ҳар йили маҳалла болалари ўртасида ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» футбол мусобақалари тобора оммалашиб, болажонларимизнинг энг сеvimли машғулотиға айланиб улгурди.

— Туманимизда 56-та маҳалла бор, — дейди биз билан суҳбатда «Маҳалла» жамғармаси Собир Раҳимов туман бўлими раиси Сайдаҳмад Обидов. — Ҳар бир маҳаллада ёшларни спортнинг футбол, баскетбол, теннис турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилинади.

Айниқса «Кўштут», «Чигатой Дарбоза», «Гузарбоши» маҳаллаларида кизгин ишлар олиб борилади. Еттига ҳудудга бўлиниб иш олиб борилаётган масканда Болалар спортини ривожлантириш бўйича етакчи мутахассис Рифкат Болтаев ва педагог-тарбиячи Дилфуза Обидоваларнинг болалар билан мунтазам фаолият юритишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Болажонлар спортини Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур



МУСОБАҚАЛАР Қизғин ва муросасиз ўтди

Ёшларимизнинг соғлом ва бакуват бўлиб вояга етишлари йўлида кўп сайёҳаракатлар қилинмоқда. Спортнинг ҳар хил турлари бўйича ўтказилаётган мусобақалардан айнан мана шу мақсадлар кўзланмоқда.

Яқинда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишга ҳисса қўшиб, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотиришга мунтазам жалб қилиш, истеъдодли ёшларни аниқлаш мақсадида спортнинг авиамодель тури бўйича Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида республика биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақада Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан, Қорақалпоғистон Республикасидан вилоят ва шаҳар босқичида ғолиб чиққан ўқувчилар қатнашдилар. Қатнашчилар авиамоделининг тезкор, пилотаж, ҳаво жанги, самолёт нусхаси, ярим нусха моделлар турлари бўйича ўз маҳоратлари, билим ва истеъдодларини намойиш этишди.



ТАШАББУС Имкониятлардан унумли фойдаланиб

«Соғ танда соғлом ақл» деган нақл бор халқимизда. Ёшларимизнинг жисмонан бакуват бўлиб вояга етишларида спортнинг ўрни беқисс. Кўпчилик ёшларимиз билим олиш билан бир қаторда спортнинг ҳар хил турига қатнашишни орзу қиладилар. Бунинг учун эса республикамизда ҳамма шарт-шароитлар етарли, лекин биз спорт тўғрисидаги тўлаш учун маблағни ҳамма ота-оналар ҳам топиб бера олмасликлари ҳақида фикр билдирмоқчимиз.

Яқинда бир танишим билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг 2 фарзанди бор. Танишим «Фарзандларим спорт билан шуғулланиши хоҳлашади. Лекин бунинг учун менда етарли маблағ йўқ», деди.

Менинг фикримча, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилалар учун бу борада маълум бир имконият, имтиёзлар яратилиши керак ва ҳар бир маҳалла, мактаб қошида қаровсиз қолган жойларни қайта таъмирлаб ана шу ерларнинг учун менда етарли маблағ йўқлиги ҳақида фикр билдирмоқчимиз.

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар. Шоҳида МАҲМУДОВА

Муштарак мақсадлар йўлида

Маълумки, бундан бир ой муқаддам Оксаройда Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги бўлиб ўтган мажлисида оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги фаолияти тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилганди. Бундан ташқари, йиғилишда халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини кенг, умумхалқ ҳаракатиға айлантириш борасида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талаб даражасида эмаслиги ҳам қайд этиб ўтилди. Қарорда спорт журналистикаси соҳаси ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ўзига хос миллий тизимини шакллантириш, спорт нашрлари ва бу соҳаға ихтисослашган бошқа ОАВнинг моддий-техникавий базасини яхшилаш, спорт журналистларини рағбатлантириш, мамлакат телевиденисиде махсус «Спорт» каналини ташкил қилиш ҳақида ҳам гапириб ўтилган эди.

Яқинда юқоридаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида спорт журналистлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Айни пайтда республикамизнинг турли газега ва журналлари ҳамда радио, телевиденидеда спорт соҳасини ёритиш юзасидан самарали фаолият юритиб келаётган Сафар Остонов, Рихситилла Умаров, Тимур Низаев, Хайдар Ақбаров, Вилор Ниязметов каби таърибли журналистлар Болалар спортини ривожлантириш борасида келгусида қандай ишларни амалга ошириш лозимлиги, ҳозирги пайтда бу борада қандай муаммолар мавжудлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, давра суҳбатида тадбир иштирокчилари спорт журналисти қандай фаолият юритиши лозимлиги, спортга оид мақолалар қай тарзда ёритилиши тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаси ва таклифларини билдиришди. Сафар Остонов: — Ҳозирда спорт журналистлари газеталарда, телевиденидеда спортдаги ютуқ ва камчиликларни фақат ахборот тарзида беришга одатланиб қолишган. Бу унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Фикримча, журналистларимиз кўпроқ тақлилий тарзда амалий жиҳатдан исботланган мақолалар, курсатувлар тайёрлашса аини муддао бўлар эди. Рихситилла Умаров: — Спортимиз ривожиде биз спорт журналистларининг ҳам ўрни катта экан. Айни пайтда Ўзбекистон спорт журналистлари ассоциациясини ташкил қилиш тўғрисида таклиф киритмоқчиман. Чунки хориз давлатларда ўтказилаётган спорт анжуманлари, мусобақаларида иштирок этишимизда, дунё спорт оламиға киришимизда бу нарса катта туртки бўлар эди. Хайдар Ақбаров: —Кейинги пайтларда спорт соҳасиға катта эътибор берилиши спорт журналистикасининг пайдо бўлишиға замин яратди. Спорт журналистларини қайта тайёрлашға ихтисослашган маълум ўқув даргоҳи очилса, янада яқши бўлади. Давра суҳбатида Болалар спортини ривожлантиришда аини пайтда ота-оналарнинг роли муҳимлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилдики, эндиликда уларға ҳам бу борада амалий жиҳатдан асосланган ҳолда тушунтиришлар бериш лозимлиги қайд этилди.

Орзуғул РУСТАМОВА

ТАШАББУС Имкониятлардан унумли фойдаланиб

Ласи оқсоқоли Шарифбой ака Содиков билан суҳбатлашганимизда у маҳалла ҳудудида жойлашган 114-мактаб қошида шаҳар ҳокимининг қарори билан «Мевазор» маҳалла ёшлари учун спорт комплекси қуриш мақсадида жой ажратилганлигини ва қурилиш ишларини ҳусусий тадбиркор Убайдулла Рихсиёв ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошираётганлигини айтиб ўтди.

Бундан ташқари ёғи спорт майдончаси ҳақар йўли билан «Мевазор» маҳалла ёшлари учун совға тарихисиде битказилиб топширилибди. Уйлаймизки, бундай фаол маҳалла заҳматкашлари Республикаимизда жуда кўп ва бошқа маҳаллаларда ҳам тадбиркор ва ташкилотчилар ҳам шундай савобли ишларға қўл урдилар деган умиддамиз. **Дилдора ХОЛМУҲАМЕДОВА**

ОЧИҚ — АММО АЧЧИҚ ҒАП Тўпимиз бор-у, аммо...

Спорт жисмоний баркамоллик, куч ва широдаға ишончли орттириш, гўзаллик ва нафосатни ҳис этишдир. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга бўлган эътибор жойлардаги анча йиллардан бунёд ечимини топмай келаётган муаммоларни яна кўтарди.

Эркин ҚАРИМОВ, оғир атлетика бўйича халқаро тоғадаги спорт устаси, Ўзбекистон спорт фахрийси: — Ҳаётий таърибимдан келиб чиқиб айта оламаники, болалар тарбияси ва саломатлигида спорт муҳим ўрин тутди. Бундан анча йиллар илгари шу болалар спорт майдончасини маҳаллада қилиб беришди. Энг ачинарлиси, чиройли, ихчам спорт майдончаси ўрниға қатнағина чиқиндиҳона яна ўз «сепини» ёйди.

Васила ШОКИРОВА, ҳамшира, 3 фарзанднинг онаси: — Сиз кўрган чиқиндиҳона биз яшаётган уйнинг орқа томонида жойлашган. Яқин-атрофдаги хонадонларда яшовчи аҳоли кечалари яширинча чиқиндиларни ташлаб кетишдан ҳеч уялишмайди. Хозир ёз кунларида бу чиқиндиҳона турли юқумли касалликларни келтириб чиқармаслигиға ким қарайди? Мана шу чиқиндиҳона Ўзбекистон телевиденисиде ходимлари томонидан ҳам танқид остиға олинган эди. Лекин ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Наҳотки, бу муаммо устида жиддийроқ фикр юритиш мумкин бўлмаса.

Эғзи таътил биз учун зерикарли ўтади. Чунки уйда ўтириб фақат телевизор қуришға мажбурмиз. Мактабдаги стадионға киришға рўхсат берилмайди, катта спорт саройлариға бориш учун маблағ талаб этилади. Қани эди, ўзимизнинг маҳаллада спорт майдончамиз бўлса-ю, ёз кунларини мароқли ўтказсак. Ҳўш, давлатимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришға катта эътибор қаратилаётган экан, нега биз жойлардаги ташаббусларни ағналамаймиз, хайрли ишларнинг бошланишиға лоқайдлик, масъулиятсизлик билан қараймиз. **Соҳиба УМАРОВА**

«Тошкент оқшоми»

**ХУКУҚИЙ
МАСЛАХАТХОНАСИ**

Қонунга ҳурмат ва итлоаткорлик – ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

150. Мерос олишда эр (хотин) қандай ҳуқуқларга эга?

Никоҳга қадар эр ва хотиннинг ўзига тегишли бўлган мол-мулк, шуниқдек никоҳ давомида ҳада ёки мерос тариқасида олган мулклар, шахсий фойдаланишдаги буюмлари уларнинг ҳар бирининг ўз, хусусий мулки (**10-саволининг жавобига қаранг**) ҳисобланади. Никоҳ давомида олиниб, эр-хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган мулк, шуниқдек никоҳ давомида орттирилган мол-мулк (**9-саволининг жавобига қаранг**) биргаликдаги умумий мулк, яъни ҳар иккаласига тегишли мулк ҳисобланади.

Ҳар бир фуқаро фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулкни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эга эканини боис эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкнинг муайян қисмига нисбатан эр ва хотиннинг ҳар бири васият қолдиришга ҳақли. Ҳаёт бўлган эр ёки хотиннинг улуши мерос очилганидан кейин биргаликдаги умумий мулкдан **Фуқаролик кодексининг 226-моддасида** белгиланган тартибда ажратиб олинди ва қолган қисми мерос тартибига киритилиб ворислар ўртасида тақсимланади.

Эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатлари тўхтатилиб, беш йилдан кам бўлмаган муддатда улар алоҳида-алоҳида яшаган бўлсалар, гарчи мерос очилган пайтда ҳали никоҳ расмий равишда бекор бўлмаган бўлса ҳам, ҳаёт бўлган эр ёки хотин қонун бўйича ворисликдан сундинг қарори билан четлаштирилиши мумкин. Аммо **Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига** асосан мерос қолдирувчининг меҳнатга лаёқатсиз эрида (хотинида) меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

151. Турар жойдаги меросхўр бўлмаган вақтинча яшовчилар (ижарачилар) турар жойга ворислик қилиши мумкинми?

Шуни назарда тутиш керакки, турар жойдаги васият бўйича меросхўр бўлмаган вақтинча яшовчилар (ижарачилар) турар жойга меросхўр бўлмаса, турар жойга ворислик қилишга ҳақли эмас. Мерос қолдирувчи, яъни турар жой мулкдорини дафн этиш харажатлари шу, вақтинча яшовчи (ижарачи) томонидан қилинган бўлса ҳам, у мерос қолдирувчининг турар жойига нисбатан ворислик ҳуқуқига эга эмас.

5.3. Васиятнома

152. Фуқаро ўз хоҳиш-иродасини ифода этишининг васиятнома усули қайси ҳижатлари билан ажралиб туради?

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасаруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Бошқача қилиб айтганда, васиятнома фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг, шу жумладан мулкка бўлган ҳуқуқининг тақдирини вафотидан сунг ҳаёт этувчи фармойишни тириклик чоғида қонуний тарзда расмийлаштириб қўйиши, мол-мулкни ўзидан кейин тасаруф этувчи ворисни тайин этишидир.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қуйидагиларга:

• Қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган бир ёки бир неча шахсга;

• Қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга;

• Юридик шахсларга;

• давлатга;

• фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

• Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Васиятнома бир томонлама битим бўлиб, мерос қолдирувчи томонидан шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вақил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Васиятнома фақат тўла муомала лаёқатига эга бўлган шахслар томонидан тузилиши керак.

Васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида мерос қолдирувчининг эрки ўзида бўлиб, бунда у васиятномани бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас (**Фуқаролик кодексининг 1120-моддаси**).

153. Васиятнома қандай расмийлаштирилади? Уни фуқаролар йиғини раиси ҳам тасдиқлаши мумкинми?

Эзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилган васиятнома, **Фуқаролик кодексининг 1125-моддасига** мувофиқ, нотариал тасдиқланиши керак. Аҳоли пунктида нотариус бўлмаса, шахарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оксоқоллари) бир қанча нотариал харакатларни амалга оширишга, шу жумладан васиятномаларни тасдиқлашга ҳақли (**Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси**).

Ана шу, нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар ҳам бўлиб, бундай васиятномаларнинг рўйхати **Фуқаролик кодексининг 1126-моддасида** берилган.

Нотариал тасдиқланган васиятнома ҳам, нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятнома ҳам васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим.

Мерос қолдирувчи касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра васиятноmani ўз қўли билан имзолаш учун нотариал идорасига, фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус хузурига бора олмаса, нотариал харакатлар мазкур фуқаро турган жойда ёки нотариусни уйига тақдиф қилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Васиятнома унда нотариал харакатлар амалга оширилган жой тегишлича қайд этилган ҳолда тасдиқланади.

(Давоми бор)

• ТҮЙЛАРИМИЗ ЗАМОНАМИЗГА МОС БЎЛСИН

Меъёрни унутмайлик



Тўйлар ва турли маросимларни ўта дабдала, серҳашам, ким ўзарга ўтказиш албатта халқнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлади. Бундай манманлик ҳолатларининг олдини олиш ва турли маросимларда исрофгарчиликларга йўл қўймаслик мақсадида 1998 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлари, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони чиққан эди.

Орадан беш йилга яқин вақт ўтганига қарамадан бугунги кунда ҳам ҳали-хануз айрим фуқаролар гоҳ тушунин, гоҳида тушунмай, баъзан сохта обрў орттириш мақсадида марҳумлар хотирасига бағишлаб турли серҳашам маросимлар ва дабдалали тўйлар ўтказишмоқда.

Қуни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тўй-ҳашам, оилавий тантаналар, марҳумлар хотирасига бағишланган

маърака ва маросимларни тартибга солиш шаҳар комиссиясининг навбатдаги йиғилишида ҳам айнан ана шу ҳақда сўз борди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Анвар Аҳмедов олиб борди.

Мажлисида улкан ўзгаришлар ҳамда глобаллашув даврида эски урф-одатларимиз ҳам баъзи ўзини кўрсатишга интилувчи шахсларнинг саъй-ҳаракатлари билан янгича тус олаётгани, баъзан замонавий тус берамиз деб аксарият урф-одатларимиз соф ҳолида эмас, аксинча минг йиллаб сақланиб келган миллий, диний қадриятларимизга зид равишда шаклланаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ҳам маънавий, ҳам маданий бойлигимиз бўлмиш урф-одатларимиз ва удулларимизга зурма-зўраки киритилаётган бундай ўзгаришлар ўзбек миллатига мансуб диёнат, ҳаё, ор-номус каби тушунчаларнинг поймол бўлишига, келажак авлодда ана шундай муқаддас хислатларнинг йўқ бўлишига олиб кели-

ши мумкинлиги борасида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, турли дабдалали маросимлар ўтказиб, исрофгарчилик қилишнинг ўрнига, имконияти торроқ, етим-есирлар, бева-бечоралар, ногирон ва ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш кераклиги хусусида фикрлар билдирилди. Бу борада жамоатчилик, айниқса маҳалла фаоллари ҳамда уламоларнинг ўрни катта эканига алоҳида ургу бериб ўтилди.

Мажлисида сўзга чиққанлар ҳозирда жуда кўпчиликка ноқулайлик туғдираётган нахорги ош ҳақида ҳам атрофчилик фикр юритиб, ана шундай тадбирларни соат 6-7 ларга қўчириш фойдадан ҳоли бўлмаслигини, бу борада масжид имомлари, маҳалла оксоқолларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтдилар. Зеро, тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам, қулайлик борасида ҳам нахорги ошларни бирикки соат орқага суришнинг фойдали томонлари жуда кўп.

МАҲАЛЛАЛАР КҮРКИ

Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан «Обод маҳалла эзгулик бешиги ва тарбия ўчоғи» мавзусидаги плакатларнинг янги туркуми яратилди. Эндиликда ушбу плакатлар республикамиздаги барча маҳаллаларга етказилади.

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ютуқларини кенг оммага тасвирчан ва жозибador шаклда етказиш, халқимизнинг бунёдкорлик ишларини, диний қадриятларимизни, одамлар онги ва маънавий қиёфасида рўй бераётган ўзгаришларни тасвирий воситаларда тарғиб этиш ишига муносив улуш қўйиб келмоқда. Мазкур плакатларнинг яратилиши фикримизнинг яққол далилидир. «Обод маҳалла йили» муносабати билан яратилган ушбу плакатларда асосан «Обод маҳалла чинакам тарбия ўчоғи», «Миллиция таъинч пункти — тинчлик ва осоишталик гарови», «Тадбиркорлик — фаровонлик манбаи», «Болалар спорти» каби мавзулар тасвирлар орқали ифодаланган.

— Мазкур плакатларни барчага тушунарли бўлиши учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилдик, — дейди «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Исфандиёр Лаитов. — Бунда биз асосан маҳалланинг жамиятдаги тугган ўрни, унинг маънавий-маърифий тарғиботлаги ўрни масалаларини аниқроқ ёритишга уриндик. Уюшмамиз ижтимоий тасвирий тарғиботнинг маънавий таъсирчанлигини янада ошириш борасида изланмоқда.



• МАДАНИЯТ

КИТОБ — БИЛИМ МАНБАИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели тумани бўлими Кенгаши томонидан ёшларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, уларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, китобга, илмга бўлган қизиқишларини янада қучайтириш ҳамда иқтидорларини ривожлантириш мақсадида Шукур Бурхонов номидаги маҳаллада янги кутубхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Китоб — илм манбаи» деб номланган ушбу тадбирда Сергели тумани маданият бўлими ҳамда Шукур Бурхонов маҳалласи фаоллари иштирок этдилар.

Ижодий кеча давомида маҳалланинг қизиқувчан, иқтидорли ва илмга чанқоқ ёшлари томонидан куй-қўшиқлар, рақслар ҳамда «Келинлар кўзголини» спектаклининг янгича талқинидаги сахнавий парчалар ижро этилди. Кутубхонага «Қамолот» ЕИХ ҳамда туман маданият бўлими томонидан китоблар тақдим этилди. Айтиб ўтиш лозимки, Шукур Бурхонов маҳалласига тумандаги «Ўзгариш», Ҳабибий, Собир Раҳимов, «Тинчлик», Амир Темур номидаги маҳаллалар қўшни бўлиб, бу маҳалла ёшлари ҳам янги очилган кутубхонадан бемалол фойдалана оладилар.

Юлдуз УСМОН

СУРАТДА: маҳаллада ташкил топган янги кутубхона ёшлар билан доимо мана шундай гажум.

• ТАЪЛИМ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР

Айни кунларда Ўзбекистон Миллий университетининг қабул комиссияси ўз фаолиятини қизгин давом эттирмоқда. Мазкур ўқув йилида дорилфунунга 1685 та талаба учун ўрин ажратилган бўлиб, шулардан 680 та давлат гранти, 1005 нафарни эса тўлов шартномаси асосида қабул қилинади.

Маълумки бу йил республикамиздаги энг тўнчиқ олий ўқув юрти ҳисобланмиш Ўзбекистон Миллий университетининг 85 йиллиги кенг нишонланади. Ана шу муносабат билан тўғра тўғна сифатида ўқув масканида яна янги 3 та ихтисослик йўналиши очилди. Физика факультети қошида ташкил қилинган Радиоактив ҳамда лазер техникаси ва лазер технологиялар, тарих факультети қошида эса Архившунослик йўналишлари бўйича сентябрь ойидан талабалар илк ўқув машғулотларини бошлайдилар.

НИГОРА ТҲАМАТОВА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб Домо бўлур...

• Тўғри йўлдан юрган одам номусли, матонатли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади, ҳеч кимни алдамайди, тўғриликдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улугъ фазилат эканини билади.

• Фазилатли, олижаноб одам фақат ўз фойдасинигина кўзламайди, халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади. Ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди.

ҲИКОЯТ. Рум ҳукмдори Эрон ҳукмдори машҳур Анушервондан: — Бир иморат қилишга киришган эдингиз, нима бўлди, битдими? — деб сўради.

— Иморатимни битказдим. Мен ҳеч вақт нотомом иш қилмайман, қайси ишга қадам қўйсам, у иш охирига етмагунча, тиниб-тинчимайман. Бир ишга киришган киши ғайрат қилиб бошлаган ишини охиригача етказиши лозимдир, — деб жавоб берди Анушервон.

Рум ҳукмдори Анушервоннинг сўзини маъқуллаб:

— Балли, юнон донишмандлари ҳам худди шундай деган эдилар, — деди.

ҲИКОЯТ. Бир донишманддан: — Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши хунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деб жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар: — Қайси яхши хунар ҳамма айбни босади?

— Саҳийлик, — деди донишманд.

ҲИКОЯТ. Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчига:

— У киши ҳақида айтганларингни яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг, чақимчи бўлганинг учун сендан нафратланаман, сени душманам деб биламан, ёлгон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, чақимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди.

Хизматчи чақимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Байт:
Бир чақимчи ўз ишидан
урса дам,
Қудратинг етса, тилни
қилгин қалам.

• Халқнинг муҳаббатини молудунёнинг билан эмас, балки одоб, тарбиянинг, хушмуомаланинг билан ўзингизга жалб эта оласиз.

• Биров сизга ишониб бирор нарсани омонат қўйса, унинг молига хиёнат қилманг.

• Бошқалар ёнида бировга айбларини айтиб насиҳат қилиш — уни ўзгалар олдида уялтириш демакдир. Шунинг учун ҳоли жойда насиҳат қилиш керак.

Байт:
Бу пандимни эшит,
фарзанди содик,
Билиб иш қил насиҳатга
мувофик.

Сенга ким ишониб,
топширив қўйса омонат,
Эсанг доно унга қилма хиёнат.

ҲИКОЯТ. Донишмандлардан бири ўглини тиқштириб овқат ейишини тақиллади. Угли айтди:

— Эй отажон, очлик одамни ўлдиради, тўқ бўлиб ўлиш очлик ҳолда яшайдан яхшироқ эмасми?

Отаси айтди:
— Эй ўғлим, ўртача овқат ейишга одат қил, тиқштириб овқат ейиш беш қўлни оғизга тиққан очкўздан фарқ қилмайди. Очкўз кишини эса ҳар қадамда ҳалокат кутади. Е-и, аммо исроф қилма, шу насиҳатга амал қилсанг, умринг узун бўлади.

Тошкент фотосуратлар уйи Халқаро бадий фото федерацияси - FIAPга аъзо сифатида қабул қилинди. Бу юртимизда санъат ривожига қаратилган катта эътибор, тасвирий санъат соҳаси ана шу йўналишининг ўзига хос салоҳияти, турли бадий кўргазмаларнинг юксак савияда ўтказилаётгани эътирофидир.

Айтиш жоизки, бугунги кунда жаҳондаги энг йирик фотокўргазмалар, фототанловлар ушбу халқаро ташкилот ҳомийлигида ўтади. Ҳозир бу нуфузли ташкилотга 85 дан зиёд мамлакат бадий фото ташкилотлари аъзо ҳисобланади.

Тошкент фотосуратлар уйининг мазкур нуфузли ташкилотга аъзо бўлиши бади-

Фотосанъатимизнинг халқаро эътирофи

ий фото оламида, жаҳонда рўй бераётган турли янгиликлардан бохабар бўлиш, халқаро танлов ва кўргазмаларда, лойиҳаларда кенгрок қатнашиш имконини беради. Шуниси диққатга сазоворки, Абдувоҳид Тўраев, Виктор Ан, Константин Минайченко каби ун нафар ижодкор FIAP томонидан Ўзбекистоннинг энг мохир фотостаси сифатида эътироф этилди.

Миллий фото санъатимиз илдизлари юз йиллик тарихга эга.

Мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг барча

йўналишлари сингари, бадий фото равнақида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1997 йилда Ўзбекистон Бадиий академиясида фото секцияси ташкил этилди. 2001 йилда эса у Тошкент фотосуратлар уйига айлантирилди.

Фотография соҳасида изланаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашиш, соҳада ўзаро тажриба ва фикр алмашиш борасида ушбу муассасанинг ўзига хос хиссаси бор. Ўтган давр мобайнида бу ерда мамлакатимиз ҳамда халқаро миқёсда турли кўргазмалар,

фототанловлар ташкил этилди. «Она шахрим — гўзал Тошкентим», «Муътабар қарияларимиз», «Нур ва соя нафосати», «Ўзбекистон фотосуратчилари - 2002» каби кўплаб кўргазмалар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда Тошкент фотосуратлар уйи «Обод маҳалла йили» дастури ижроси бўйича «Мен яшаётган маҳалла», «Сув — ҳаёт» каби бир қанча танловлар ўтказилмоқда. Дастур доирасида август-сентябрь ойларида НАТО ва Европарламентнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида ўзбек фотосталари ижод намуналари асосида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, аъёналар ва одатлар» мавзусида бадий кўргазма ташкил этилади. (ЎЗА).

• ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ҳамшаҳарларимизга яна бир қулайлик

Юртимизда ёз чилласи. Кунлар қизигандан қизиб, одамларни соя-салқин, хушманзара дам олиш ва истироҳат масканлари ўз бағрига чорлаётган ушбу паллада «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюشمаси томонидан пойтахтликлар учун янги йўналиш очиб режалаштирилган.


Мазкур йўналиш — Амир Темур номидаги шохбекатдан Ўзбекистон Швейцарияси деб ном олган хушманзара «Чорвок» сув омбори соҳили яқинидаги «Чорвок» оромгоҳига давом этиб, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган.

Малакали, ғайрат-шижоатли ҳайдовчилар бошқаридиган 6 та «Мерседес-Конекто-Ю» русумли автобуслар узининг қулайлиги билан йўловчиларни мамнун қилиши шубҳасиз. Мазкур йўналишнинг иш жадвали соат 5.30 да бошланиб, то 20.00 га қадар давом этади ҳамда унинг 3 та асосий бекатлари мавжуд. Булар — Фаргона йули шохқучаси, «Қўйлик» деҳқон бозори, шунингдек «Сув-соз» ҳаҳасидаги шохбекатларни ўз ичига олган.

Эътиборли томони, янги йўналишнинг айна ёз — дам олиш мавсумида очилиши шаҳримиз аҳолиси учун айна мудоао бўлади. Чунки ёзда таътилга чиқолмаган фуқаролар дам олиш кунлари қийнамай оромгоҳга бориб, ҳордик чиқариб қайтишларига қулай шароит яратилади. Асосийси, уйил-қизлари уша йўналишдаги болалар оромгоҳида ҳордик чиқараётганлар учун ҳам нур устига аяло нур бўлади. Сабаби, ушбу йўналиш автобуслари «Чорвок» оромгоҳига етиб боргач, йўловчиларни манзилларида қолдириб, Юсуфхона дам олиш масканига ҳам йўл олади.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деганларидек, янги йўналиш қулайликларидан фойдаланган ҳамшаҳарларимиз хушманзара дам олиш масканларида бўлиб, морикиб ҳордик чиқарган ҳолда, иш жойларига янги куч-қувват, кутаринки кайфият билан қайтишлари аниқ.

Мухаббат ХАБИБУЛЛАЕВА



Шаҳримиз хуснида янада хусн қўшиб, биллур томчиларини ҳар ёнга сочиб қалбларимизга завқ бағишловчи фавворалар кўрган кўзларни қувнатди, албатта.

• ТАЪЛИМ

Улар Германияда ўқишади

Тошкентдаги 60-ўрта мактаб немис тилига ихтисослашган билим юрти сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳам унга немис тилини ўрганиш маркази ҳамда ўқувчиларни Шпрех-дипломи қўлга киритиш учун имтиҳонларга

тайёргарлик кўриш негизи мақоми берилди.

Кейинги олти йил мобайнида ана шундай таълимий жараёнда муваффақиятли қатнашган 110 дан ортиқ толиби илм Шпрех-дипломини қўлга киритди. Улар Германиядаги

олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириб ўқишга муяссар бўлдилар.

Бу йил эса бундай имкониятга 60-мактаб ўқувчилари вакиллари билан бирга Самарқанддаги 51- Марғилондаги 6-мактаб толиби илмлари эга бўлдилар.

Янги ўқув йилида улар Германиядаги ўзлари танлаган олий ўқув юртида ўқий бошлайдилар.

Аҳмад АББОСОВ

• ТАДБИРЛАР

Обод юртнинг соғлом фарзандлари

Куни кеча Бўстонлик тумани, Хондайлик қишлоғидаги «Камалак» болалар оромгоҳида ёзги таътилни мароқли ўтказётган ёшлар ўртасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти ҳамда Республика Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармасининг махсус ҳарбий қисми ҳамкорлигида «Обод юртнинг соғлом фарзандлари» номли ҳарбий спорт ўйинлари ўтказилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад ёшларни Ватанга садоқат ва эл манфаати йўлида хизмат қилиш гоъялари асосида камол топтириш, уларни бирлаштириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, Қуролли Кучларимизга булган ҳурмат туйғуларини шакллантириш, бошланғич ҳарбий тайёргарлик фаолиятини амалга ошириш ва буш вақтларини мазмунли ўтказишдир. Мусобақада ёшлар сузиш, югуриш, сакраш,

узокдан нишонга уриш, тортилиш, турли ҳарбий машқларни бажариш бўйича узаро куч синашиши. Тадбирда махсус ҳарбий қисмининг аскарлари турли ҳарбий машқлар ва топшириқларни бажариш маҳоратини оромгоҳдаги ёшларга намойиш этишди. Тадбир якунида «Камалак» болалар ташкилоти томонидан мусобақада фаол иштирок этганларга Фаҳрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Саҳоват УСМОНОВА

Футбол

Чемпионатга тайёргарлик доирасида

Ёшлар ўртасида футбол бўйича ўтказилиши лозим бўлган жаҳон чемпионатида ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Германияга ўртоқлик учрашувларида омадларини синаб кўриш мақсадида йўл олишганди. У ерда «Вупперпалер» жамоаси билан куч синашган ёшларимиз мурасимиз беллашувда рақибларига 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Ҳамюртларимиздан германияликлар дарвозасига ягона тўпни «Машъал» футболчиси Р. Қодиров 77-дақиқада киритди.

Ўз жамоасига қайтди

Бир вақтлар «Пахтакор» сафида маҳорат билан тўп сурган иктидорли футболчи Равшан Бозоров мамлакат XII миллий чемпионатининг биринчи давра-сини Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси сафида ўтказгани футбол шайқобозларига маълум. Сўнгги маълумотларга қараганда кейинги пайтларда Равшан Сурхондорёв вилояти Узун туманининг «Тўполан» жамоаси сафида майдонга тушган. Дарвоқе, Бозоров футболдаги дастлабки учрашувларини ҳам айнан «Тўполан» таркибида бошлаган эди.

Файзиев

«Насаф»да тўп сурадимми?

Бир неча йиллардан бери Россия клубларида тўп сурган моҳир футболчиларимиздан бири, Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси — Даврон Файзиев мамлакатимизга қайтди. Гап шундаки, Қаршиннинг «Насаф» жамоаси ҳозирда Иссиққўлга жўнаб кетган. Даврон ҳам қаршиликлар таркибида ўқув-масгулот йиғинларида иштирок этаёпти.

Таркибдаги ўзгаришлар

Айни кунларда мамлакат XII миллий чемпионати иккинчи давра-сини тайёргарлик кўриш мақсадида Наманганнинг «Навбахор» жамоаси Тошкентга келди. Иккинчи даврани муваффақиятли ўтказишни ўз олдига мақсад қилган наманганликлар таркибида эса ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Чунки жамоанинг ўқув-масгулот йиғинларида пахтакорчи Виталий Жалилов ҳамда «Дўстлик» аъзолари Шухрат Усмонхўжаев ҳамда Шухрат Раҳмонқулдовлар ҳам иштирок этишяпти.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Ҳар гал мавлоно Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романини мутолаа қилар эканман, мукамал яратилган образларнинг бадиий талқинларини ҳаяжонсиз ўқий олмайман. Аслида Қодирий каламига мансуб асарларнинг деярли барчаси мукамал чизгилар, бадиий мутаносибликлар, қиёфаларнинг бениҳоя уйғунлиги билан эътиборлидир. Айниқса, ўзбек аёлини тасвирлашга бўлган ички бир эҳтиёж, табиатнинг турфа қирраларидаги рангинликни ўзида мужассам этган Кумушбиблар, Ўзбек оймилар, Офтоб оймилар, Ойбодоклар, Раёнларнинг гўзал сийрати қайси китобхонни ҳам мафтун этмаган дейсиз?!

Айтиш мумкинки, Раёно буюк ёзувчи тасвиридаги ўзига хос, ботиний ва зоҳирий қиёфага эга аёл тимсоли. Эҳтимол, Кумушбибидек оқила малакни яратиб ҳам кўнглидаги аёл эотиға бўлган эҳтиром туйғусини қондира олмаган адиб, Раёно сиймосини яратишга эҳтиёж сезгандир?! Нима бўлганда ҳам унинг ёрқин истеъдоди Отабек ва Кумушбиби янглиғ, севишган жуфтликларнинг ифоридий майин, баҳор ҳавосидек тиник, маънан юксак ДУНҲЕСИНИ яратди. Бу — мухташам бадиий обида адиб кўнглида фаввор уриб турган, Анвар бўлиб, Раёно бўлиб дунёга келди!

Қодирий эзгу ниятларига йўғрилган, кўнглидаги гўзалликка бўлган хоҳишни Раёно тимсолига мужассам этди. Агар беназир мўйқалам соҳибни Шарқ гўзалларининг етти тасвирини яратганида, Раёно худди ўшалардай ҳурлиқларнинг бири бўлармиди?! Раёно образининг ўзига хос бадиий биографияси бўлиши «Меҳробдан чаён»да у ҳақида шундай сатрларни ўқиймиз: «...Раёнонинг исми жисмига, ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушган эди. Мен расом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан бўлиб яратмас, шу ўринда сизга Раёнонинг расмини тортиб кўрсатар-кўярдим, фақат менга Раёно гулининг сувигина (!) кўпроқ керак бўлар эди».

Дарвоқе, Раёно гули атиргулдошлар оиласига кирадиган барглари майин, нозик танаси ва ўзидан муҳаббат, гўзаллик ифорини таратиб турадиган гул эканлигини назардан қочирмасак, Қодирийнинг қай сабабдан Раёно гулига иштиёқмандлиги яна бир қарра ойдинлашгандек бўлади. Гул — азал-азалдан бир-бирига дил

розини айтиб тўймайдиган, ҳам руҳан, ҳам жисман талпинувчан жуфтликларнинг муҳаббат рамзи эканлигини ҳаёт ҳақиқати рад этмайди. Шу боис, Абдулла Қодирий ўзининг суюкли қаҳрамини ГҮЛ тимсолига йўғрилган, навуҷон вужудида эса гулдек ифор, ташки гўзаллигида ҳам шунга айрича монандлик борлигига урғу берган: «...Таъбиримиз кўпол тушмаса, бу гўзал киз, оч раёно гулининг (!) тусида, оқсарик тусда яратилган эди... Раёнонинг

Раёнога етишиш бахтини орзиқиб кутаётган Анвар учун кейинги истиқбол қанчалик «порлок» бўлмасин, сармуншйлик ёрлигини олгач, унинг диллидаги мамнулик бахтиёрлик янада равшанлашади. Хатто ўзини: «Раёно гулини исках башоратига қойил бўлгандек...» энгил хис этади.

«Анвар супада, ўрда юмушларини баъзисини таҳлил қилиш билан машғул... Майин бир шамол супа атрофидида гулларни эринибгина китирлатар ва китирлатишдан райхонларнинг ўткир иси ўқтин-ўқтин димоққа келиб урилар эди...» Дарҳақиқат, Раёнонинг ҳам Анвар олдида бир зум бўлса-да турмоқлиги ҳаётбахш бўлиб қай тароватли эди.

«Раёнонинг ҳам кўзи унга тўқнашиб, бир оз бир-бирларига кулимсирлаган ҳолда тикилишдилар...»

— Нега тўхтадингиз, ёза беринг!»

Мирзо Анварнинг қўллари эса ишқ шаробидан лабо-лаб бўлган кўнглининг энг олис манзилларида уйғонган ва айтилиши зарур бўлган сатрларни оқ қорозга ёза бошлайди.

«Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси, Насиб ўлмиш менга гулшанаро гулларнинг Раёно».

Жавоб ҳам тайин эди: «Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидан, Не бахтки, Раёно, харидоринг талаб ахлининг Мирзоси».

Ҳайратланарли ва ҳаяжонли сатрлар! Худди ана шу мисралар орқали Раёно гули ўзининг бутун муҳаббатини, вужудини лов-лов ёндирётган ёз жазирмасидек ҳароратини намоён эта олганди.

Икки ёшнинг пок севгиси зулматли кунлар қаърида саробага айланишига бир баҳа қолганда, уларнинг жасорати, тўғрироғи, Раёнонинг жасорати муқаррар ҳавфни орқага чекинишга мажбур этади. Аммо, Раёно тимсолига сингдирилган гул ифоридек майин тароват уларнинг йўлини чароғон этиши табиий эди. Эҳтимол, шу боис ҳам моҳирқалам адиб, асарининг ҳар бир бобида ГҮЛ тимсолини Раёно сийратига муҳраландирди?! Назаримизда, Қодирийнинг чўнг қоя мисол истеъдоди ва даҳоси ҳосиласи бўлиши «Меҳробдан чаён»нинг бадиий баркамоллигини таъминлаган омил ҳам шундай бўлса керак.

Хумоюн АЛИЕВ

Мутолаа
«ГУЛЛАРНИНГ РАЪНОСИ»

сочи гунгурт — қора, яъни қуёшсиз жойларда қора кўринса, қуёшда бир оз сарғиш бўлиб кўринар эди».

Тасвирдаги гўзалнинг ҳар жиҳатдан мукамал қиёфасига синчиклаб назар ташлаб туриб, ГҮЛ каби нафислик унинг истиқболдан далолатдир, деган хулосага келиш мумкин. Агар Кумушбиби Марғилонда туриб, Отабекнинг Тошкентдан қайтишини нечоғлик ҳаяжон, интиқлик билан кутгани эсга олинса, Раёнонинг ҳам гул янглиғ очилишига сабаб бор: хон саройидан қундалик юмушларни баҳариб қайтувчи Мирзо Анварни кутиб олмоқ, унинг учун ўзи бир бахт! Келинг, воқеа тафсилотларини роман парчасидан қидирайлик: «Юзи чўзиқ ҳам эмас, ойкулча ҳам деб бўлмас; кишига қулиб қараганда, қизил олма осларидан иккита заммо равишлик шакл ҳосил бўлар, гўё бизга чин раёно гули (!) очилган ҳолатда кўринар эди».

Албатта, Раёнонинг ички руҳияти Кумушбибиники сингари мураккабликлардан, тўқнашувлардан холи. Шу боисдан ҳам, унинг боладек беғубор кўнгли, мусаффо қалби Анварни кўрганда, унинг билан эҳтиросли суҳбатларда ўзидан раёно гулига хос бўй таратади. Табиийки, унинг бутун оламни тутғулик ҳиди фақатгина Анваргина аталган. Буни Мирзо Анварнинг ўзи ҳам яши биледи. Яна роман сатрларига нигоҳ ташлаймиз:

— Бу гапни қўй, Раёно, ишонмасанг ойга қара, сенинг лабинг билан шу қизил гул (!) ранги орасида фарқ борми, мана қара?»

Турфа олам

АЖАБТОВУР ҲОСИЛ

70 ёшли фермер Жон Холдон кўриниши ўрдақсимон улкан картошка ҳосилини олди. Худди атайин картошкани кесиб, ўрдақ шаклига келтирилгандай. Полиэтиленлари бўйича катта тажрибага эга мутахассис Жон бу каби ҳолатга илк бор дуч келиши. Ўрдақ-картошкани у қиролчиқа совға қилди ва у Букин-гем саройининг тўридан жой олди. Ахир, унинг картошка—ўрдага зоти олиёларнинг резина уйинчоқлари каби ардоқли эди-да!

У ВАЗИРЛАРНИ ТАНИРДИ

Кўп муносабатларда зукко саналган инсон Лондонда яшайди. Узининг ўн йиллардан зиёд хизмати даврида уч ярим

миллион мартадан кўп эшик очилишга тўри келди. Боб Жондан-Даунинг-стрит 10 даги британ вазири резиденциясининг соқчиси. Бу ишни осойишта кунлари ўртача 500 марта бажарган. Бобнинг айтишича, «темир хоним» маргарет Тэтчер жаҳли чиққанда дуч келган вазири тушириб қоладиган сумкачасини ҳам унга ишониб бериб қўйган. Спортнинг ашаддий мухлиси Жон Мейжор соқчи билан, бўлиб ўтган халқро ва миллий футбол матчи натижаси ҳақида гаплашарди. Блэрлар Даунинг-стритга келишганда, Боб уларнинг болалари билан ҳам соатлаб гап сотарди. У йирик давлат арбоблари билан ҳам суҳбатлашган. Лекин, таъкидлашларича, резиденцияга ташриф буюрган ҳеч бир давлат арбоби билан сиёсат ҳақида гап юритмаган.

СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАДИНГМИ?

Энди полицияга йўл солигини тўламаган ҳайдовчини тезда аниқлаб олиш имконига эга бўлди. Буни бажарадиган янги мослама радарга ўхшаш бўлиб, машина номерини бир зумда ўқиб олиб, солиқ тўланган ёки тўланмаганини аниқлаб беради. Солиқ тўланмаган бўлса, машина жарима майдонига олиб борилади. Гоҳида махсус мослама панд бериб ҳам туради. Бир қуни бошқа штат полицияси бошлиғининг машинаси англашилмовчилик билан ушланди. Шундай нохуш ҳолатга тушмаслик учун мосламининг камчиликларини тузатиб, ишланисини олимлар қайта кўриб чиқишга бўлармиди?! Акс ҳолда...

Оқнор ҲАЗРАТОВ тайёрлади



Дўхтиримиз оқ халатига қора дөг туширибди, дейишяпти, шу гап ростми?

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тираж офсет усулида босилади.
4204 нускада босилади. Қороз бегими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-яқамда билан яратилган

Нашриг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.